Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 36 (6. 525) 1988 йил 13 февраль, шанба. Баҳоси 3 тийин

Янгиланиш йўлидан

XIX

## Мусобақани авж олдириб

⊙ Шаҳримиздаги трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг янгилик изловчилари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига бошланган социалистик мусобақага актив қўшилган ҳолда кўплаб рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишмоқда.

Корхонада 36 та рационализаторлик таклифидан самарали фойдаланиш ҳисобига 12 киши қўл меҳнатидан озод этилди. Ижодий изланувчилар 20 тонна металл, 150 килограмм ёқилғи-мойлаш материали, 300 килограмм рангли металл, 5 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолишга эришдилар.

Депонинг 110 кишилик ижодкорлари доимо изланишдалар. Улар ўтган йили 38 та ихтирони ҳаётга тадбиқ этиб, 32.298 сўм фойда олдилар. Ихтирочилар орасида токарь А. Замарий, энергетик А. Соколов, техника бўлимининг бошлиғи А. Ривкин, тайёрлов цехининг темирчиси С. Петровлар бор.

⊙ Тошкентдаги «Компрессор» заводида тайёрланган машиналар мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Корхона маҳсулотлари жўнатилаётган адреслар географияси йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўтган йили «ПР—10/8 М» маркали янги компрессорлар жаҳоннинг 17 мамлакатига етказиб берилган эди.

Корхона бу йил 20 дан ортиқ мамлакатлар билан шартнома тузди. Шу жумладан, компрессорларнинг бир туркуми Озодлик ороли— Кубага ҳам жўнатилади.

Завод коллективи шу кунларда катта кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда. Партия конференцияси шарафига бошланган социалистик мусобақа авж олмоқда.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 11 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида шаҳарлар ва қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида таъкидланганидек, қурилишнинг бу тури КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифа — 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифасини бажариш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳолбуки, кўпгина иттифоқдош республикаларда, ўлкалар ва областларда якка тартибда уйлар барпо этишга эътибор сусайтириб юборилган. Бу ишда асоссиз чеклашлар ва тақиқлаб қўйишлар жорий этилган эди, якка тартибда иморат қурувчиларга нисбатан ҳамон нотўғри, кўпинча эса ёмон муносабатда бўлиб келинмоқда. Маҳаллий органлар ер участкаларини ажратиш, уй-жой қуриш масалаларини ҳал этишда уларга ҳамиша ҳам кўмаклашаётирлар, деб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда меҳнаткашлар учун хусусий турар жойлар қуриш, уларни реконструкциялаш ва ремонт қилишдан корхоналар ҳамда маҳаллий органларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш чоралари баён этилган, якка тартибдаги қурилишни кредит билан таъминлашнинг янги анча имтиёзли шартлари белгиланган, бинокорлик материаллари ва асбоб-ускуналарнинг бозор фондларини талай даражада кўпайтириш мўлжалланган. Якка тартибда иморат қурувчиларнинг ширкатларини, ихтисослаштирилган лойиҳа ва қурилиш кооперативларини тузиш, уй-жойларни пудрат ва хўжалик усулларида қуришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро ҳукуматнинг ташқи иқтисодий фаолият учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлашга доир таклифларини қўллаб-қувватлади. Ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, министрликлар ҳамда идораларнинг ташқи бозорга чиқиши шароитида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи кадрлар малакасини ошириш проблемасини ҳал қилиш ушбу соҳада турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун муҳим аҳамиятга эга. СССРда ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш янги механизмини, жаҳон экономикасининг ҳозирги шарт-шароитларини, бу соҳада чет элларда тўпланган илғор тажрибани эътиборга олиб, ташқи иқтисодий фаолият мутахассисларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш назарда тутилмоқда.

СССР Олий Советининг 1987 йилдаги фаолияти якунлари тўғрисида А. А. Громиконинг ахбороти тингланди. Сиёсий бюро шуни қайд этиб ўтдики, мамлакат давлат ҳокимияти олий органи, унинг Президиуми, палаталарнинг доимий комиссиялари ишининг асосий мазмуни партиянинг қайта қуришга ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, давлат турмуши ҳамда ижтимоий ҳаётни кенг миқёсда демократиялашга, ошкораликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлини рўёбга чиқаришдан иборат бўлди. Қонунларни такомиллаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилди. СССР Олий Советининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди.

Барча поғоналардаги Советларга раҳбарликни янада кучайтириш, уларнинг куч-ғайратларини партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни амалда рўёбга чиқаришга, ўз территорияларининг комплекс ривожлантирилишини таъминлашга, кучли социал сиёсатни ўтказишга, ўзларига ҳисоб бериб турувчи органларнинг иши устидан контролни кучайтиришга бутун чоралар билан сафарбар этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Колхозчиларнинг тўртинчи Бутуниттифоқ съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Съезд 1988 йилнинг 23—25 март кунлари ўтказилади. Тайёргарлик ишлари якунловчи босқичга кирганлиги таъкидланди. Колхозчиларнинг йиғилишлари, конференция ва съездлари ўтказилиб, уларда 4,4 минг делегат сайланди. Кенг демократия шароитида колхоз Намунавий Устави лойиҳасини манфаатдорлик билан муҳокама қилиш давом этмоқда.

1989 йил январида ўтказиладиган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик юзасидан ҳукумат белгилаган амалий тадбирлар қўллаб-қувватланди. Аҳоли рўйхати мамлакатни социал ва иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш учун зарур бўлган статистика маълумотларини олиш имконини беради.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг 1987 йилги иш якунларини муҳокама қилиб, маъқуллади. Мажлисда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, партия ташкилотлари турмуши ва фаолиятида ўзаро қатъий талабчанлик муҳитини қарор топтиришга партия контролининг таъсири ошганлиги қайд этиб ўтилди. Ғоявий-маънавий хулқ-атвор нормаларига риоя этилиши учун коммунистларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди.

Қайта қуришнинг янги босқичида партия контроли органлари партия қарорларининг ижросини текшириш борасидаги ўз ишларини бундан буён ҳам такомиллаштиришлари, демократиялаш ва ошкоралик жараёнини чуқурлаштиришга кўмаклашишлари, буйруқбозлик-маъмуриятчилик методларига барҳам бериш ҳамда кадрлар фаолиятида чинакам ленинча раҳбарлик принципларини қарор топдиришлари учун сабот билан курашишлари лозим.

М. С. Горбачевнинг Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусума-Атмажа билан учрашуви ҳамда Э. А. Шеварднадзенинг у билан олиб борган музокараларининг якунлари маъқулланди. Осиё-Тинч океани регионида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Ер юзининг шу қисмида сиёсий муҳитни соғломлаштириш борасидаги Совет — Индонезия мулоқотини чуқурлаштириш муҳимлиги уқтириб ўтилди. Совет томони барча соҳаларда ,шу жумладан ўзаро манфаатдорлик асосида товар айирбошлашни кўпайтириш ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида СССР билан Индонезия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун кўмаклашишга тайёр эканлиги таъкидланди.

Мажлисда М. С. Горбачев ва А. А. Громиконинг ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский билан ўтказган суҳбатлари ҳамда Э. А. Шеварднадзенинг у билан олиб борган музокараларининг якунлари кўриб чиқилиб маъқулланди. Сиёсат, экономика ва идеология соҳасидаги Совет — Польша ҳамкорлиги жўшқин ҳамда изчиллик билан муттасил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётганлиги, шаклан такомиллаштирилаётганлиги мамнуният билан қайд этилди. Халқаро масалалар хусусида КПСС билан ПБИПнинг қарашлари бирлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг ГФРдаги Баден-Вюртембург ўлкаси бош министри, Христиан-демократик иттифоқи партияси раисининг ўринбосари Л. Шпэт билан учрашуви натижаларини маъқуллади. СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқа бошлаганлиги қайд этиб ўтилди. Узоқ муддатли иқтисодий ва маданий алоқаларнинг барқарор структурасини вужудга келтириш Совет — Ғарбий Германия муносабатларида ижобий жараёнларнинг кучайишига кўмаклашган ва, шу тариқа, бутун Европада умумсиёсий муҳитни яхшилаш имконини берган бўлур эди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXVII съезди қабул қилган қарорларни рўёбга чиқаришга доир бошқа баъзи масалаларни ҳам муҳокама этди.

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

10 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлди. Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти партия бюросининг пахтанинг янги, серҳосил навларини тезроқ етиштиришга коллективни сафарбар этиш соҳасидаги ишига оид масала кўриб чиқилди.

Институт партия бюроси (секретари ўртоқ У. Муротов) Ўзбекистон Компартияси XXI съездида селекциячилар шанига айтилган танқиддан хулосалар чиқариб олмаганлиги, коллективни ғўзанинг янги навларини жадаллик билан етиштиришга сафарбар этиш ишида актив ва принципиал позицияни эгалламаганлиги таъкидланди. Партбюро ишида институтнинг илмий ва ишлаб чиқариш ҳаётидаги етилган проблемаларга жиддий ҳамда синчковлик билан ёндашилмаяпти, тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзаки ўрганилмоқда, селекциядаги турғунлик сабабларини бартараф этишда манфаатдорлик ва принципиаллик кўрсатилмаяпти. Қабул қилинаётган қарорлар ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмаяпти, ижрони контрол қилиш қониқарсиз йўлга қўйилган. Партия аъзоларининг ҳисоботлари, жумладан, раҳбарларнинг ҳисоботлари онда-сонда расмиятчилик билан суст ўтмоқда ва камчиликларни тубдан тугатишга таъсир қилмаяпти.

Натижада институт бўлинмаларида хотиржамлик ва беғамлик вазияти вужудга келди, раҳбарлар ва олимлар пахтачиликдаги ишларнинг аҳволи учун шахсий жавобгарлик туйғусини йўқотиб қўйишган, тарқоқ ҳолда самарасиз ишламоқдалар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан ажралиб қолишган. Беш йиллик бошидан бери тадқиқотларга 2 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Аммо яратилган навлар ва ирсиятларнинг 95 проценти рақобатга қодир бўлмади. Ўтган йили давлат нав синовига биронта ҳам ғўза нави топширилмади.

1988 йилда нав синови ўтказилиши мўлжалланган 6 навнинг 4 таси давлат стандарти талабларига жавоб бермаяпти. Республикадаги пахта далаларининг тўртдан бир қисмидан камроғига институтда етиштирилган ғўза навлари экилмоқда. Институт селекция соҳасидагина эмас, ғўза уруғчилиги соҳасида ҳам етакчилик ролидан маҳрум бўлиб қолди. Элита — уруғчилик хўжаликларининг фаолияти институт назаридан четда бўлганлиги сабабли мазкур хўжаликларнинг иши бўшашиб кетди. Айни вақтда тадқиқотларнинг самарасизлиги, олимларнинг илм бобида виждонан иш юритмаётганлиги фактларига институт партия бюросининг қайта қуришга раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинаётганида тегишлича баҳо берилмади. Партия бюросининг секретари ўртоқ И. Муротов докладида ва коммунистларнинг нутқларида номларини айтиб, принципиал, танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмади, ғўза селекцияси ва уруғчилигида тартиб ўрнатиш юзасидан амалий таклифлар айтилмади.

Партия бюроси, аслида, маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаяпти, дирекция тажриба хўжаликларига раҳбарлик қилмай қўйганлиги, институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида, тадқиқотларни замонавий илмий ва техникавий негизга ўтказиш ҳақида жон куйдирмаётганлиги билан муроса қилмоқда. Куч ва маблағларни кўп йўналишларга сарфлаб юбориш давом этмоқда, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш пировард натижаларга боғлиқ қилиб қўйилмаган. Ходимларнинг кўпчилиги илм-фандаги иқтисодий ислоҳот қоидаларидан бехабар, партиявий ва профессионал ўқув чоғида шу қоидалар ўргатилмаяпти. Илмий кенгаш танқиддан ҳоли қилиб қўйилган, мазкур кенгаш ташаббуссиз, суст ишламоқда, қайта қуришни ташкил этишга қодир эмас. Илмий кенгаш бўлинмаларнинг ишини дуруст мувофиқлаштирмаяпти, уларнинг куч-ғайратини селекциянинг янги ноанъанавий методларини ўзлаштиришга жамламаяпти.

Партия бюроси кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишнинг қатъий позициясини белгилаб олмаган, бу ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Юқорироқ лавозимларга кўтариш учун резерв рўйхати расмият учунгина тузилган, бу резерв

(Давоми иккинчи бетда).

ЗАМОНДОШИМИЗ



Эртага—Аэрофлот куни

## САМО ЛОЧИНИ

Унга аввал ўғли Андрейдан табрик телеграммаси, кейин қизи Людмиладан хат келди. Сўнг таниш-билишлари, узоқ-яқиндаги ҳамкасблари Алексей Павловични анъанавий касб байрами билан қутладилар. Учувчи-инструктор шундай қадр-қимматга эга бўлганлигидан беҳад мамнун эди. Улуғ айём, қутлуғ куннинг нашидаси унинг дилига чексиз қувонч, шодлик бахш этди. Қалби тўлқинланиб, ўзини анча тетик ҳис қилди. Бир зум ишини унутиб, ширин хаёлга чўмди.

...Кичик маҳалланинг тор кўчасида болалар чопқиллаб варрак учиришаяпти. Уларнинг ўйинлари жуда қизиқ. Кимнинг «қоғоз қуши» юқорига чиқса, кичкинтой мухлислар ўшанга ишқибозлик қилишади. Алёшанинг нигоҳи кўм-кўк осмонда. Қалби ширин орзуларга чулғанган. У учирган варрак самода тўлқинланиб парвоз қиляпти.

Беҳосдан ёнидаги ўспирин Алёшанинг қўлидан варракни тортиб олмоқчи бўлди. Ип узилиб, олисдаги нуқта уфққа сингиб кетди. Болакайнинг кўзидан ёш қалқди. Қалби ларзага келди.

— Барибир менинг варрагим баландга учади, — Алёша бу гапни қатъий ишонч билан айтган эди.

Болаликнинг беҳаловат кунлари ортда қолди. 1943 йили ўрта мактабни тугатган ўспирин Армавирдаги учувчилар тайёрлайдиган граждан авиацияси ўқув юртига кириб ўқиди. Кейин ҳаётнинг олтин дамлари бошланди. Илк парвоз жуда ҳаяжонли эди. Само қучоғида енгил парвоз этаётган «пўлат қуш» штурвалини бошқаришнинг гашти ўзгача бўларкан. Ҳаммаёқ кафтдек кўзга ташланиб туради. Мусаффо осмон, баланд чўққилар. Уларни кўриб она заминга бўлган муҳаббатинг тоғдай юксалади.

Учиш техникасини пухта эгаллаб олган Алексейни экипаж командирлигига ўтказишди. 25 йил турли ҳаво лайнерларини бехатар бошқарди. Ўн икки йилдан буён эса у Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг ўқув-машғулот марказида учувчи-инструктор бўлиб ишлаб келяпти. Касбини астойдил улуғлаган бу оташин қалб эгасининг меҳнати муносиб рағбатлантирилган: кўксини «Ҳурмат белгиси» ордени безаб турибди.

Унинг юмушлари кўп. Ишлари ҳам етарли. Аммо шунга қарамасдан жамоат топшириқларини бажаришга ҳам вақт топади. Ҳозирги пайтда Алексей Погодин ўқув-машғулот маркази ветеранлар Советининг раиси. Ўғли Андрей ҳам ота касбини танлаган. Ҳозир у Киевда граждан авиацияси инженер-механиги бўлиб ишламоқда. Людмила эса электрон-техника заводида ишчи.

Ветеран учувчининг ягона тилаги бор: осмон ҳамиша мусаффо бўлса, самолётлар доимо яхши ният билан кўтарилса.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТДА: Алексей Погодин.

Т. Каримов фотоси.

## Мулоқотга марҳамат!

Алло, редакциями?

**15 февраль куни соат 17 дан соат 19 га қадар «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг жамоатчилик редакциясида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарларининг шаҳар аҳолиси билан телефон орқали навбатдаги сиртқи учрашуви ўтказилади.**

Телефон орқали бўладиган бу жонли мулоқот Тошкент шаҳар Советининг бўлажак IV сессиясига бағишланган. Маълумки, Тошкент шаҳрининг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисидаги масала ана шу сессия муҳокамасига қўйилади. Шу хусусдаги тезислар «Оқшом» газеталари саҳифаларида шу йил 8 февралда эълон қилинди.

Уй-жой проблемаларини ҳал этиш масалаларини жадаллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, бу ишда иштирок этиш хоҳишини билдирган, ана шу проблема бўйича саволлар беришни истаган ўртоқлар шу куни 33-99-42 ва 32-53-66 телефонлари орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

Телефон орқали бўладиган мулоқотда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, унинг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев, ўринбосарлари Л. А. Костин, К. Н. Тўлагановлар иштирок этишади.

Агар бордию бирор сабаб билан 15 февраль куни белгиланган вақт ичида қўнғироқ қилиш имкониятингиз бўлмаса, сиз ўз саволларингизни 24 февраль куни соат 20 дан 30 минут ўтганда 41-01-62 телефони орқали ҳам беришингиз мумкин. Шу куни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарларининг шаҳар аҳолиси билан Тошкент телевидениеси орқали мулоқоти ўтказилади.

**Яна бир бор эслатиб ўтамиз: «Оқшом» газеталари редакциясидаги навбатдаги сиртқи учрашув ёки телефон орқали бўладиган бевосита мулоқот шу йил 15 февраль куни соат 17 дан 19 гача ўтказилади. Бизнинг телефонларимиз: 33-99-42 ва 32-53-66.**

## Тинчлик посбонлигида

12 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон «Билим» жамияти, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси, Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети ва Уруш ветеранлари совет комитетининг Тошкент секцияси тайёрлаган «СССР Қуролли Кучлари 70 йил тинчлик ва социализм ғалабалари посбонлигида» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Қуролли Кучлар тарихи, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида мамлакат мудофаа қобилиятини янада такомиллаштириш проблемалари юзасидан докладлар тингланди. Докладларни муҳокама қилишда уруш ветеранлари, генераллар ва офицерлар, собиқ жангчи-интернационалистлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## СЎНГГИ СОАТДА

**⊙ Бирлашган Араб Амирликларидан Форс кўрфазининг жанубий қисмида Дания супертанкери ўққа тутилганлиги ҳақида хабар олинди, деб маълум қилади Рейтер агентлиги. Бир денгизчи ҳалок бўлиб, уч нафари ярадор бўлган. Жабрланганлар вертолётда Дубай шаҳри госпиталига жўнатилган. Эрон катерлари зарба берган, деб тахмин қилинмоқда, аммо расмий манбалардан буни тасдиқловчи маълумот олинмаган.**

⊙ Япония қурилиш министрлиги космик сейсмик назорат системасини яратиш планини ишлаб чиқди. Сунъий йўлдошлар ёрдамида зилзилалар тез-тез содир бўлиб турадиган районларда ер қобиғидаги ўзгаришларни қайд этиб бориш ва ана шу кузатувлар асосида зилзилаларни олдиндан башорат қилиш мўлжалланмоқда. Космосдан олинадиган ахборотлар шу мақсадда қайта ишлаш учун Цукуба шаҳрида махсус ташкил этилган марказга келиб туради.

**⊙ АҚШнинг собиқ давлат секретари Александр Хейг республикачилар партиясидан президентликка ўз номзоди кўрсатилиши учун курашни тўхтатишга қарор қилди.**

**Си-эн-эн телекомпаниясининг қайд этишига қараганда, шу ҳафтада Айова штатида бўлиб ўтган партия активистлари йиғилишларида ўз номзодини қўллаб-қувватловчи арзимаган овоз тўпланганлиги сабабли Хейг ана шундай қилишга мажбур бўлган.**

⊙ Австралиялик олимлар, биз Коинотдаги энг олис объектни топдик, деб тасдиқлашмоқда. Улар ёруғлиги бизга 13,8 миллиард йилдан сўнг етиб келувчи квазарни суратга олишган, деб хабар беради АП агентлиги. Астрономлар олис жойлашган осмон жисмлари — энг кўҳна объектлар бўлиб, улар орқали Коинотнинг бошланғич тарихини ўрганиш мумкин, деб ҳисоблашади.

**⊙ ХКП Марказий Комитетининг Бош секретари Чжао Цзиян Хитой сиёсий структурасини қайта қуриш соҳасидаги яқин орадаги вазифаларнинг умумий жиҳатларини таърифлаб берди.**

**«Энг муҳими —биз ҳозир партия ва ҳукумат органларининг вазифаларини бир-биридан ажратишимиз лозим. Бундай вазиятда ҳукумат муассасалари ва ҳокимият органлари, шу жумладан Умумхитой халқ вакиллари кенгаши ўзларини янада яхшироқ намоён эта оладилар», деди у бу ерга келган Австралия генерал-губернатори Н. М. Стивен билан суҳбатда.**

⊙ БЕРЛИН. Бертольд Брехт 90 ёшга тўлди. Берлиндаги жуда кўп жойлар, айниқса, «Берлинер ансамбль» театри унинг номи билан боғлиқ. Буюк ёзувчи ва драматургнинг деярлик барча пьесалари ана шу театр саҳнасида қўйилган. Пойтахт магистратининг қарори билан Брехт театри олдидаги майдонда унинг бронза ҳайкали ўрнатилди. Унинг очилишига минглаб берлинликлар ва меҳмонлар келишди.

